

Х.Х. Абдураманов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯНГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

В данной статье раскрыта социально-демографическая сущность воспроизводства населения, систематизированы показатели характеризующие его, оценена сегодняшняя демографическая ситуация в Республике Узбекистан, а также разработаны основные направления демографической политики.

This article reveals the socio-demographic nature of the population replacement systematically characterize its performance, assess' the current demographic situation in the Republic of Uzbekistan as well as developed the basic directions of population policies.

Калим сўзлар: аҳоли таркиби, демографик тўлқин, демографик вазият, демографик коэффициентлар, демографик сиёсат.

Ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даражасининг тебраниши муайян вақтдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, меҳнат бозорида иш билан бандликда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида бевосита ўз аксини топади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституция қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “... мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айни ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир” [1].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келган ва у аҳоли сони ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли сонининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайиши, урбанизация жараёни ортаётганида намоён бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони динамикаси

Йиллар	Жами аҳоли сони, минг киши	Шаҳар аҳолиси сони		Қишлоқ аҳолиси сони	
		минг киши	жами аҳоли сонидagi улуши, %	минг киши	жами аҳоли сонидagi улуши, %
2000	24487,7	9165,6	37,4	15322,2	62,6
2001	24813,1	9225,3	37,2	15587,8	62,8
2002	25115,8	9286,9	37	15828,9	63
2003	25427,9	9340,8	36,7	16087,2	63,3

2004		25707,4	9381,3	36,5	16326,2	63,5
2005		26021,4	9441,9	36,3	16579,4	63,7
2006		26312,7	9495,1	36,1	16817,6	63,9
2007		26663,8	9584,6	35,9	17079,2	64,1
2008		27072,2	9698,2	35,8	17374	64,2
2009		27533,4	14236	51,7	13297,4	48,3
2010		28001,4	14425,9	51,5	13575,5	48,5
2011		29123,4	14897,4	51,2	14225,9	48,8
2012		29555,4	15143,2	51,2	14412,1	48,8
2012 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши	+, -	5067,6	5977,7	13,8	-910	-13,8
	%	120,7	165,2	-	94,1	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2000-2012 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 5067,6 минг кишига ёки 20,7 фоизга кўпайган ва 2012 йилга келиб 29555,4 минг кишига тенг бўлган.

Таҳлилларни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси кесимида амалга ошириш унинг бир меъёрда кечмаганлигини кўрсатади. Жумладан, 2012 йилда шаҳар аҳолиси сони 2000 йилга нисбатан 65,2 фоизга ортган, бу даврда эса қишлоқ аҳолиси сонининг 5,9 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, жадвал маълумотлари қишлоқ аҳолиси сонидан 2009 йилдан бошлаб камайиш кузатилганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги **“Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 68-сонли қарорига** кўра республикадаги 965 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади [2].

Бугунги кунда (2012 й.) Ўзбекистонда аҳолининг урбанизация даражаси 51,2 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки бу кўрсаткич 2000 йилда 37,4 фоизга тенг бўлган.

Мустақиллик йиллари қишлоқ жойларида бозор, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланиши кичик шаҳар манзилгоҳларининг пайдо бўлишига асос бўлди. Бунинг натижасида **“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”**да 965 та қишлоқ жойларига шаҳарча мақоми берилиб, уларнинг сони 1080 тага етди.

Ўзбекистонда аҳоли сони йил сайин кўпайиб, унинг ўртача йиллик ўсиш суръати йиллар давомида бир меъёрда кечмаган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати, %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1-расмдан кўринадики, 2005 йилда аҳоли сони ўртача йилига - 1,2, 2012 йилда эса 1,5 фоизга кўпайган. Бундай кўпайиш тенденциясини шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, кўрилаётган даврда шаҳар аҳолиси сони мос равишда 0,6 ва 1,6 фоизга, қишлоқ аҳолиси сони эса 1,6 ва 1,3 фоизга ортган. Таҳлиллар 2009 йилда шаҳар аҳолиси сонининг 46,8 фоизга ўсганлигини, аксинча қишлоқ аҳолиси сонининг эса 23,5 фоизга камайганлигини кўрсатди. Бу ҳолат юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қишлоқ жойларига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

Айтиш жоизки, 2011 йилда аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати энг юқори босқичга кўтарилган (4 фоиз). Бу йили шаҳар аҳолиси сони - 3,3, қишлоқ аҳолиси сони 4,8 фоизга ўсган. Бу тенденция аҳолининг механик ўсиши билан боғлиқ.

Республикада аҳоли сонининг кўпайиши асосан табиий ўсиш ҳисобидан таъминланади ва ўрта ҳисобда йилига 500 минг кишидан ўсиши кузатилган. Бироқ олиб борилган таҳлиллар 2011 йилда аҳоли сонининг 1122,0 минг кишига ортганлигини кўрсатди. Мазкур юқори суръатда ўсиш тенденцияси асосан йилга нисбатан аҳоли сонининг 1122,0 минг кишига кўпайганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги **“Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 71-сонли қарори[3]** асосан республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида аҳоли сонининг 10 фоизини қамраб олган ҳолда ўтказилган аҳоли сонининг танлама статистик кузатувида 642,5 мингта кишининг механик кўпайганлиги аниқланганлиги билан боғлиқ.

Мамлакатда юқоридаги демографик вазиятнинг вужудга келиши аҳолининг такрор барпо бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ. Ўз навбатида аҳолининг такрор барпо бўлиши жамиятнинг мавжудлигини, аҳоли сонининг ўсиб (камайиб) боришини таъминловчи биологик жараён бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир.

Илмий манбаларда “аҳолининг такрор барпо бўлиши” тушунчасининг моҳияти кенг ва тор маъноларда ёритилган. Масалан, кенг маънода “аҳолининг такрор барпо бўлиши” тушунчаси ўз ичига ёши, жинси, ижтимоий гуруҳлари, миллати, оилавий ҳолати, таълим даражаси, касбий таркиби бўйича аҳоли таркибини ривожланиши ва янгиланиши камраб олади [4]. Тор маънода, аҳолининг такрор барпо бўлиши – бу инсон авлодининг туғилиш ва ўлим натижасида янгиланишидир [5].

Аҳоли такрор барпо бўлишининг қуйидаги уч тури фарқланади:

- қисқарган такрор барпо бўлиш – бунда яшаётган аҳоли ўзининг ўрнини тўлдирувчиларни такрор барпо қила олмайди. Кекса авлод вакилларининг сони ёш авлод сонидан кўп бўлади.

- оддий такрор барпо бўлиш. Аҳоли такрор барпо бўлишининг мазкур турида ёш авлод билан кекса авлод вакилларининг сони тенг бўлади ва аҳолининг стационар тури вужудга келади.

- кенгайган такрор барпо бўлиш. Бу тур ёш авлод вакилларининг сони кекса авлодга нисбатан кўплиги билан ажралиб туради. Аҳолида ёш-жинсий таркибининг прогрессив тури вужудга келади, унинг мутлоқ сони эса ўсиб боради [6].

Аҳолининг такрор барпо бўлишини илмий тадқиқ этишда қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади:

1. Аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффициенти туғилиш билан ўлимнинг умумий коэффициентлари ўртасидаги фарқни англатади. Статистик маълумотлар таҳлили мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини табиий ўсиш суръати коэффициентига ўсиш тенденцияси хос бўлганлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффициентининг ўзгариши, %

Худудлар	Туғилишнинг умумий коэффициенти		Ўлимнинг умумий коэффициенти		Табиий ўсиш суръати коэффициенти	
	2000 й	2012 й	2000 й	2012 й	2000 й	2012 й
Ўзбекистон Республикаси	21,3	20,8	5,5	4,9	15,8	15,9
Қорақалпоғистон Республикаси	24,0	22,3	5,6	4,8	18,4	17,5
Андижон	19,9	21,1	5,2	5,1	14,7	16,0
Бухоро	20,0	19,8	4,7	4,3	15,3	15,5
Жиззах	24,3	21,1	4,3	3,9	20,0	17,2
Қашқадарё	26,3	23,0	4,4	3,9	21,9	19,1

Навоий	19,4	20,3	5,3	4,7	14,1	15,6
Наманган	21,0	20,6	5,1	4,7	15,9	15,9
Самарқанд	22,7	21,9	5,2	4,4	17,5	17,5
Сурхондарё	25,5	23,2	4,6	4,1	20,9	19,1
Сирдарё	22,0	21,0	5,4	4,9	16,6	16,1
Тошкент	18,5	19,6	6,4	5,9	12,1	13,7
Фарғона	19,7	20,1	5,3	5,1	14,4	15,0
Хоразм	24,0	21,0	5,2	4,6	18,8	16,4
Тошкент шаҳри	14,5	16,3	8,5	6,9	6,0	9,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, 2000-2012 йилларда республика бўйича ҳар 1000 минг кишига ҳисоблаганда туғилишнинг умумий коэффиценти 21,3 дан 20,8 гача ёки 0,5 промиллега камайган. Туғилиш коэффицентидаги ўзгаришлар ҳудудлар бўйича турлича бўлган. Жумладан, туғилишнинг умумий коэффиценти Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида нисбатан камайган, республиканинг қолган ҳудудларида (Андижон, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса ортган.

Энди туғилишнинг умумий коэффиценти бўйича Ўзбекистон ва унинг ҳудудларига баҳо берадиган бўлсак, 2000 йилда туғилиш даражаси Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида – **юқори**, Тошкент шаҳрида – **паст**, республикада ва унинг қолган ҳудудларида **ўртача** бўлган. 2012 йилга келиб демографик вазият бир мунча ўзгарган. Яъни, республиканинг барча ҳудудларида туғилишнинг умумий коэффиценти **ўртача даражани** ташкил этган. Бу республика ва унинг ҳудудларида аҳоли сонининг ўсишини таъминлайдиган ижобий даража ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхшиланиши, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, даволаш масканларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, бу соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборнинг катталиги туфайли аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг нисбатан пасайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жадвал маълумотларининг таҳлили ҳам республикада 2012 йилда 2000 йилга нисбатан ўлимнинг умумий коэффиценти 0,6 промиллега камайганлигини кўрсатади. Айтиш жоизки, **Ўзбекистон дунёда ўлим кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлар қаторига киради.**

Ўз навбатида, туғилганлар сонининг нисбатан ортиш ва ўлганлар сонининг камайиб бориш тенденцияси табиий ўсиш даражасида бевосита таъсир қилади. Статистик маълумотларга қараганда, таҳлил қилинаётган даврда (2000-2012 йиллар) аҳолининг табиий ўсиш суръати коэффиценти 0,1 промиллега кўпайган. Шу билан бирга, бугунги кунда (2012 й.) республика ҳудудларида табиий ўсиш суръати коэффиценти 14,0-19,0 промилле атрофида.

2. Аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто-коэффиценти шартли гипотетик авлоднинг ҳар бир 15-49 ёшдаги аёл нечта қиз фарзанд кўришини ифодалайди. Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто-

коэффициенти кўрсаткичлари динамикасида яқин келажақда қандай ўзгаришлар кутилмоқда, оналар ўз ўринларига нечтадан она қолдиришади, аҳоли такрор барпо бўлишини бугунги ҳолати она авлоди “алмашинувини” таъминлайдими? Ушбу саволлар ечими учун туғилишнинг йиғинди коэффициенти асосида аҳоли такрор барпо бўлишини брутто-коэффициентини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Ҳисоб-китобларга караганда аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто-коэффициенти туғилиш даражаси юқори бўлган 1969-1990 йилларда 2,5 – 2,7 ни ташкил этган. Демак, Ўзбекистонда бундан 40 йил муқаддам ҳар бир аёл ўз ўрнига 2-3 тадан қиз болани, яъни онани қолдирган (шаҳарда – 1,8, қишлоқда – 3,57). Авлодлар алмашуви аҳоли такрор барпо бўлишини кенгайган тури даражасида содир бўлади [7].

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто-коэффициенти 1,25 атрофида.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто-коэффициенти кўрсаткичи аҳоли такрор барпо бўлишини қандай тури шаклланаётганлигини аниқлаб беради. Демографик манбаларда қайд этилишича, агар аёл 15 ёшда никоҳга кириб, туғилишни чекламаса, яъни фарзандлар туғилиши табиий ҳолда давом этса, у ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртача 10 та фарзанд кўриши мумкин. У ҳолда брутто-коэффициент 4,9 га тенг бўлади. Бу кўрсаткич брутто-коэффициентининг максимал даражасидир.

1970 йилда Ўзбекистонда туғилишнинг энг юқори кўрсаткичи кузатилган пайтда аҳоли такрор барпо бўлишини брутто-коэффициенти 2,794 ни ташкил этган. Бу кўрсаткич максимал даражадан 1,8 марта камдир.

Шаҳар аҳолисида 2005 йилда брутто-коэффициент 0,969 ни ташкил этган. Яъни бирдан кичик бўлган. Бундай ҳол қисқарган аҳоли такрор барпо бўлишидан дарак берган. Лекин кейинги йилларда шаҳар аҳолиси брутто кўрсаткичи 1 дан кўтарилди ва аҳоли такрор барпо бўлишини нормал, оддий турини таъминлади. Қишлоқ аҳолисида эса брутто-коэффициент аҳоли такрор барпо бўлишини кенгайган турини таъминлаш ҳолатида ҳисобланади.

Прогнозларга кўра, 2020 йилларга қадар аҳоли такрор барпо бўлиши брутто коэффициенти республика бўйича - 1,2, (шаҳарда – 1,1, қишлоқда – 1,3)ни ташкил этиши кузатилади. Яъни, аёллар авлоди алмашувида кескин ўзгариш кутилмайди.

Юқорида қайд этилганидек, аҳоли такрор барпо бўлишининг брутто коэффициенти бир аёлнинг репродуктив даврида кўрган қиз фарзанди сонини ифодалайди. Лекин ҳамма туғилган қиз ҳам она ёшигача етиб бориши кафолатланмайди. Улардан маълум қисми камолга етиб, репродуктив даврида яна фарзандлар кўради ва авлодлар алмашинувини таъминлайди. Аҳолини такрор барпо бўлишида она ёшигача тирик қолган қиз болалар муҳимдир. Уларни, яъни туғилган қизлардан қанча қисми она ёшига етиб боришини аниқлашда аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто-коэффициентидан фойдаланилади.

3. Ўзбекистонда аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти динамикасида ўзига хос ўзаришлар кузатилади.

1991-2000 йилларда Ўзбекистонда туғилишнинг камайиши (туғилишнинг йиғинди коэффиценти ушбу даврда республика бўйича 4,2 дан 2,5 гача, шаҳар жойларида 2,1 дан 2,12 га, қишлоқларда 4,9 дан 2,7 гача) кузатилиши натижасида аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффиценти ҳам камайди. Айниқса нетто-коэффиценти шаҳар аҳолисида 2000-2005 йиллар $R_0 < 1$ бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлишини қисқарган режимга ўтган. Лекин 2005 йиллардан бошлаб республикада туғилишнинг бир мунча кўтарилиши шаҳарларда қайд этилган демографик инқирозга барҳам берди.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистон аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффиценти кўрсаткичлари бўйича, яъни $R_0 > 1$ дан, аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган режимининг энг пастки чегарасида турибди. Чунки, ҳозирда республиканинг қишлоқ аҳолисида туғилишнинг нетто-коэффиценти 1,3 ни ташкил қилгани учун республика умумий кўрсаткичига таъсир этмоқда. Шаҳар аҳолисида эса аҳоли такрор барпо бўлиши оддий турига деярли ўтган, чунки нетто коэффицент 1,0 га тенг.

Мамлакатдаги демографик вазиятга баҳо беришда аҳолининг такрор барпо бўлиши ва ёш таркибининг ўзаро алоқадорликдаги таҳлилини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга (3-жадвал).

3-жадвал

Аҳоли ёш таркибининг турлари, %

Ёш гуруҳлари	Ёш таркиби		
	прогрессив	стационар	регрессив
0-14	40	27	20
15-49	50	50	50
50 ва ундан юқори	10	23	30

Манба: Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Демография. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир, 2011, 90-б.

Жадвалдан кўринадики, аҳолининг ёш таркибида репродуктив ёшдаги (15-49) аҳоли ўрта ҳисобда 50 фоиз деб олинади. Қолган ёш гуруҳларининг (0-14, 50 ва ундан юқори ёшдагилар) ўзгариши аҳолининг қайси турга хос эканлигини аниқлаб беради.

Ўзбекистонда шаклланган замонавий демографик вазият аҳоли таркибида 0-14 ёшдаги аҳоли улушининг йил сайин камайиб бораётганлигини, аксинча 50 ва ундан юқори ёшдаги репродуктив функцияда иштирок этмайдиган аҳоли улушининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатади (8-жадвал).

8-жадвалдан кўришиб турганидек, 2001-2012 йилларда аҳоли таркибида 0-14 ёшдаги аҳолининг улуши 8,8 пунктга камайган, 15-49 ёшдагилар улуши аксинча – 5,1, 50 ва ундан юқори ёшдагилар улуши эса 5,4 пунктга камайган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили халқаро амалиётда қабул қилинган мезондан келиб чиқиб қуйидагича хулосага келиш имконини беради:

- Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар аҳолиси прогрессив ёш таркибдан стационарга ўтмоқда;

- Тошкент шаҳри аҳолиси таркибига стационар таркиб хос.


4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ёш таркибининг ўзгариши (йил бошига нисбатан)

Худудлар	0-14 ёш гуруҳидаги аҳолининг улуши, %				15-49 ёш гуруҳидаги аҳолининг улуши, %				50 ва ундан юқори ёшдаги аҳолининг улуши, %			
	2001 йил	2006 йил	2012 йил	2012 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	2001 йил	2006 йил	2012 йил	2012 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	2001 йил	2006 йил	2012 йил	2012 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Ўзбекистон Республикаси	37,3	32,6	28,5	-8,8	52,0	55,7	57,1	5,1	9,0	11,7	14,4	5,4
<i>Шу жумладан:</i>												
Қорақалпоғистон Республикаси	37,4	32,6	29,9	-7,5	52,9	56,9	57,5	4,6	8,7	10,4	12,6	3,9
<i>вилоятлар:</i>												
Андижон	37,0	32,3	28,1	-8,9	52,6	56,2	57,6	5,0	8,5	11,6	14,3	5,8
Бухоро	35,8	30,8	26,9	-8,9	53,9	57,4	58,1	4,2	8,7	11,8	15,0	6,3
Жиззах	40,8	35,9	30,6	-10,2	49,8	53,4	56,1	6,4	7,9	10,7	13,3	5,4
Қашқадарё	41,9	36,5	31,0	-10,9	49,3	53,7	56,6	7,3	7,0	9,9	12,4	5,4
Навоий	35,9	31,1	27,0	-8,8	53,8	57,2	58,4	4,6	9,3	11,7	14,6	5,3
Наманган	38,8	33,5	28,4	-10,4	51,4	55,7	58,1	6,7	7,9	10,8	13,5	5,6
Самарқанд	40,0	35,0	30,1	-9,9	50,2	54,4	56,2	6,0	7,9	10,6	13,7	5,7
Сурхондарё	42,4	36,7	31,2	-11,2	48,9	53,8	56,9	8,0	6,9	9,5	12,0	5,0
Сирдарё	38,7	33,2	29,7	-9,0	52,4	57,0	58,0	5,6	7,8	9,8	12,3	4,4
Тошкент	34,4	29,7	26,8	-7,7	52,9	56,5	56,7	3,8	11,2	13,8	16,5	5,3
Фарғона	37,0	32,3	27,6	-9,4	52,0	55,7	57,4	5,5	9,1	12,0	15,0	5,9
Хоразм	37,8	33,3	29,9	-7,9	52,6	56,3	57,4	4,8	7,9	10,4	12,7	4,8
Тошкент ш.	26,2	23,8	23,3	-2,9	56,0	57,2	55,5	-0,5	16,5	19,0	21,2	4,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йиллари республикада туғилиш кўрсаткичлари бир мунча пасайди. Яъни, 1991 йилда туғилишнинг умумий коэффиценти 34,5 промиллени ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 20,4 промиллега тенг бўлган [8]. Ўтган давр давомида кузатилган тенденция аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг нисбатан камайишига олиб келди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли (0-15 ёш) сони динамикаси (йил бошига нисбатан минг киши)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Расмдан кўришиб турганидек, 2010 йилдан бошлаб республикада меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони ортиб борган. 1980 йилларда туғилишнинг энг юқори даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда репродуктив ёшга кириши Ўзбекистонда энг юқори демографик салоҳиятнинг шаклланишига асос бўлди. Сўнгги беш йилликда (2007-2012 йй.) республикада ўртача йилига 180 мингга яқин аёл репродуктив ёшга ўтмоқда. Бу эса никоҳнинг юқорилиги ва ажралишнинг пастлиги кузатилаётган мамлакатимизда туғилиш кўрсаткичининг мунтазам ортиб боришини таъминламоқда.

Бундан ташқари, яқин келажакда Ўзбекистоннинг демографик ривожланишида аҳоли сонининг ва туғилиш даражасининг мунтазам ўсиши; аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг юқори суръатда кўпайиши, республикадан ташқарига миграцион кўчишлар ҳажмининг камайиши; урбанизация даражасининг барқарорлашуви; оналар ва болалар ўлимининг доимий камайиши; ҳаёт давомийлигининг мунтазам узайиши каби ижобий тенденциялар кузатилади.

Юқоридаги ижобий тенденциялар билан бирга мамлакатда демографик ривожланишни янада юқори сифатли аҳолини такрор барпо қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида демографик ривожланишнинг биринчи галдаги вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- туғилишни узоқ муддатли истиқболда ҳам демографик такрор барпо

қилишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида сақлаш;

- аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш;

- узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўриқдан ўтказишда тиббиёт олий ўқув юртларининг, республика ихтисослаштирилган марказларининг ва илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирокини таъминлаш;

- тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи масалаларида аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш;

- ишлаб чиқаришда меҳнат қилишнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва жароҳатларнинг олдини олиш.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган демографик сиёсатнинг стратегик мақсадига эришиш йўналишларини мунтазам амалга ошириш республикада аҳолини такрор барпо қилувчи юксак демографик салоҳиятти шакллантиришга ва ундан самарали фойдаланишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 7 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 68-сонли қарори // www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги “Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 71-сонли қарори // www.lex.uz.

4. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Демография. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир, 2011. – 198-бет

5. Демография: Учебное пособие. / Коллектив авторов; под ред. В.Г. Глушковой, Ю.А. Симагина. – 7-е изд., перераб. и доп. М.: КНОРУС, 2013. – С. 105.

6. Доброхлеб В.Г., Джавадова С.А. Демография: Курс лекций. – М.: РГГУ, 2012. – 247 с.

7. Абдурахманов А. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрорий кўпайишини иқтисодий-статистик таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2011, - 129-130 б.